

Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси

Бошлиқ в.в.б Алламурадов Муҳаммадали Хайталиевич

Қабул кунлари: Сешанба ва Пайшанба 15⁰⁰ - 17⁰⁰

[Термиз шаҳри, 190100.](#)

[Олмазор қўчаси, 42-уй](#)

(0 376) 221-22-80

(0 376) 221-19-22

surxondaryo@uzavtoyul.uz

<https://surxondaryoavtoyul.uz/>

Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасининг функционал вазифалари

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ва сақлаш борасида техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлашда участкаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга йуналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автотранспорт воситалари ҳаракатини вақтинча чеклаш ёки тухтатишни жорий этиш бўйича тегишли таклифлар киритиш;

Бош бошқарма таркибидаги корхона ва ташкилотлардаги сафарбарлик тайёргарлиги бўйича улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш;

автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кучаларининг ҳисобини юритиш;

автомобиль йўлларининг техник ҳолатига қараб автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг ҳар йилги дастурларини шакллантириш бўйича Муассисга таклифлар киритиш ва тасдиқланган дастурларни амалга ошириш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларини таъмирлашнинг ҳар йилги дастурларини урнатилган тартибда шакллантириш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

вилоят автомобиль йўллари рўйхатини шакллантириш юзасидан Муассисга таклифлар киритиш;

вилоят автомобиль йўллари тармогини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти мониторингини олиб бориш ва иктисодий таҳлил қилиш, шунингдек таркибидаги корхона ва ташкилотларда молия-хўжалик фаолиятини ва мол-мулкдан фойдаланилишини текшириш;

кулай ва хавфсиз ҳаракатни таъминлаш учуй автомобиль йўлларида фойдаланиш, автомобиль йўлларида фойдаланишда йўл ҳаракати хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар органлари билан узаро ҳамкорлик қилиш;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ қуриб чиқилишини таъминлаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш ва ариза берувчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда жавоблар юбориш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, табиий офат оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик ускуналарни харид қилиш) ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш устидан техник кузатиш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлашда кулланадиган йўл-қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг сифати устидан назорат қилиш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучалари тармогини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан шаҳарлар ва туманларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда

иштирок этиш;

автомобиль йўллари соҳасида техник жихатдан тартибга солиш борасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича Муассисга таклифлар киритиш;

автомобиль йўллари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва олиб бориш;

йўл қурилишини прогнозлаштириш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишнинг замонавий усуллари талабларига мувофиқ автомобиль йўллари соҳасида малакали кадрлар тайёрланишини, қайта тайёрланишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг олинган назарий билимларини ишлаб чиқариш амалиётида мустаҳкамлаш мақсадида соҳага оид таълим муассасалари билан узаро ҳамкорлик қилиш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларининг мавжуд тармогини таъмирлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда йўл таъмирлаш ишлари манзил руйхатларини ишлаб чиқиш ва куриб чиқиш учун Муассисга киритиш;

ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш хаки тулашни урнатилган тартиб ва усулларни куллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий химоялаш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни автомобиль йўлларининг аҳамияти бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида йуналтириш ишларини мувофиқлаштириш.

[низомни юклаб олиш \(pdf, 167 kb\)](#)